

Ўзбекистон ва Қозоғистон савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб келмоқда



Жорий йилнинг 27 ноябрь куни видеоконференция шаклида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаковнинг Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Скляр билан икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокида музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар иштирокчилари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги кун тартибини, илгари эришилган келишувларни амалга оширишни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва саноат кооперацияси соҳасидаги шерикликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Тадбир давомида жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида келишилган ва агросаноат комплекси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил, кимё ва фармацевтика саноати ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида 22 саноат кооперацияси лойиҳасини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича “Йўл ҳаритаси”ни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар, шунингдек, келишилган тадбир ва лойиҳаларни илгари суриш учун икки мамлакатнинг тегишли вазирликлари, идоралари ва тадбиркорлари ўртасида тезкор ҳамкорлик қилиш механизmlарини белгилаб олдилар.

Суҳбат давомида икки мамлакат агросаноат корхоналари ўртасида айрим турдаги экинларни етиштириш, қўшма чорвачилик мажмуаларини ҳамда интенсив боғларни яратиш соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ташқи бозорларга мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш мақсадида қўшма улгуржи-тарқатиш марказларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқишига келишиб олдилар.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Ҳукуматлари ўртасида техник тартибга солиш, метрология ва маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим лойиҳасини келишишни тезлаштириш бўйича кейинги ҳаракатлар муҳокама қилинди.

Музокаралар давомида уруғчиликни ривожлантириш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда дон ва мойли экинларнинг юқори маҳсулдор навларини етиштиришни жадаллаштириш мақсадида қўшма илмий тадқиқотларни ўтказиш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари даражасида алоқаларни ташкил этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш истиқболлари алоҳида кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида томонлар эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнини кузатиб бориш, юзага келаётган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш ва кўп қиррали икки томонлама шерикликнинг янги ташаббус ва йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида видеоконференциялар ўтказиш амалиётини мунтазам равиша давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

Манба